

РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН СУРХОН ВОҲАСИНИ
МОДДИЙ-МАДАНИЯТИНИНГ ЭТНИК ТАҲЛИЛИ ВА ШАРҚ
МАНБАШУНОСЛИГИДА ЎРНИ

Жовлиева Махлиё Холмўмин қизи

Термиз шаҳар 3 мактаб тарих фани ўқитувчиси.

+99893 469-19-93 mahliyojovliyeva600@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17098189>

Аннотация. Мазкур мақолада Россия шарқшунослари томонидан Сурхон воҳаси моддий-маданий меросининг этник таҳлили ҳамда уларнинг шарқ манбашунослигидаги ўрни ёритилади. XIX–XX аср бошларида олиб борилган илмий тадқиқотлар Сурхон воҳасида яшаган қадимий аҳоли гуруҳларининг этник шаклланиш жараёнлари, турмуш тарзи ва моддий маданияти ҳақида муҳим маълумот беради. Рус шарқшунос олимларининг илмий изланишлари нафақат воҳанинг тарихий-этнографик манзарасини ойдинлаштирган, балки Шарқ манбашунослиги тараққиётига ҳам сезиларли ҳисса қўшган. Уларнинг асарлари Сурхон воҳасининг археологик ёдгорликлари, халқ ҳўжалиги, диний-маданий ҳаёти ҳамда халқнинг этник хусусиятларини ўрганишида муҳим манба сифатида қадрланади. Бугунги кунда ҳам бу илмий мерос Сурхон воҳаси тарихини ўрганишида манбашунослик асосларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Калит сўзлар: Россия шарқшунослари, Сурхон воҳаси, моддий маданият, этник таҳлил, манбашунослик, археология, этнография, илмий мерос.

Annotation. This article examines the ethnic analysis of the material and cultural heritage of the Surkhan Valley by Russian orientalists and its role in Oriental source studies. Research conducted in the 19th – early 20th centuries provides important information about the processes of ethnic formation, lifestyle, and material culture of the ancient populations of the Surkhan Valley. The scholarly investigations of Russian orientalists not only clarified the historical and ethnographic picture of the valley but also made a significant contribution to the development of Oriental source studies. Their works are highly valued as important sources for studying the archaeological monuments, economy, religious and cultural life, as well as the ethnic characteristics of the population of the Surkhan Valley. Even today, this scientific heritage serves as one of the fundamental bases for source studies in the exploration of the history of the Surkhan Valley.

Keywords: Russian orientalists, Surkhan Valley, material culture, ethnic analysis, source studies, archaeology, ethnography, scholarly heritage.

Аннотация. В данной статье рассматривается этнический анализ материально-культурного наследия Сурхандарьинской долины, проведённый российскими востоковедами, а также его значение в восточном источниковедении. Исследования, проведённые в XIX – начале XX вв., предоставляют важные сведения о процессах этнического формирования, образе жизни и материальной культуре древнего населения Сурхандарьинской долины. Научные изыскания русских востоковедов не только прояснили историко-этнографическую картину региона, но и внесли значительный вклад в развитие восточного источниковедения. Их труды ценятся как важные источники при изучении археологических памятников, народного хозяйства, религиозно-культурной жизни, а

также этнических особенностей населения Сурхандарьинской долины. И сегодня это научное наследие служит одной из основных источниковедческих баз при исследовании истории Сурхандарьинской долины.

Ключевые слова: *Российские востоковеды, Сурхандарьинская долина, материальная культура, этнический анализ, источниковедение, археология, этнография, научное наследие.*

Ватан тарихини ўрганиш ва ёритиш, тарихшунослик қўлга киритган имкониятларга ҳолисона, танқидий баҳо бериш ҳозирги куннинг муҳим масаласи бўлиб қолди. Бунинг учун ижтимоий - сиёсий ва маданий ҳаётда юз берган воқеа ҳодисаларга илмий ҳулоса бериш имконияти тўлақонли яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида тарихнинг миллат тарбиясидаги муносиб ўрнига тўхталиб: «Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормокда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбасига айланмоқда» 1 деб ёзган эди. Юртимиз мустақиллик туфайли улуг имкониятларга, бетакрор истиқлол шарофатига эга бўлиб, халқимиз ижтимоий- иқтисодий, маънавий – маданий ҳаётнинг энг юқори натижаларига эришиш, миллий онг тафаккурғояларни тиклаш ривожлантиришдек ютуқларга эга бўлди. Бу ҳаёти ишонч ва жўшқинликни ҳолисона ва мукамал ўрганиш, тарғиб этишдек буюк вазифа тарих фани зиммасига юкланди. Сурхон воҳасининг тарихига оид манбаларни Рус шарқшунос-лари томонидан ўрганилиб, илмий таҳлил этиб, тарихий таққосланган. XIX аср Сурхондарё воҳасини Шеробод, Денов, Бойсун, Ҳисор бекликларининг ташкил топиши, бекликларнинг маъмурий ҳудудий жойлашуви, бошқарилиши, ички сиёсат ва ислохотларга доир тарихий воқеаларни изоҳлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Россия империяси истилоси даврида Сурхон воҳасига келган рус шарқшунослари, археологик, тарихчи, ҳарбий муҳандислари томонидан яратилган мақола, рисола, тўпламларда маҳаллий ҳудудга таллуқли манбаларни топиш, таржима қилиш, маҳаллий халқнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларни ўрганиш асосида халқ тарихни таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу асарларга Муаллифи номаълум «Путешествие русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 г» (в двух томах том 1) номли асар, А.Татариновнинг «Семимесячный план в Бухари 1867». С.Петербург. 1967. Москва.1915. Библиотека. Рус.Геогр.Общ асари, Н.Н Покотилонинг «Путешествие в центральную и восточную Бухару в 1886 году» С.Петербург. 1889 г. отд. Геогр, математической и географии физической 28 ноября 1889 г асари, Д. И Логофетнинг «Страна Бесправия. С.Петербург» 1909. 221 стр асари, Д. Н Логофетнинг «Бухарское Ханство» С.Петербург. 1911. 324 стр каби асарлармисол бўлади. Бу асарларда XIX аср иккинчи ярмида Чоризм томонидан Ўрта Осиёнинг истило қилиниши даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий ҳаётга оид воқеа-ҳодисалар акс эттирилиб, унда Сурхон воҳаси тарихига оид манбаларга ҳам тўхтаб ўтилган. А.Татариновнинг «Семимесячный план в Бухарий» асарида Шарқий Бухоронинг Сурхон воҳасидаги бекликлар, ижтимоий тузум, деҳқонларнинг солиқ тўлашдан воз кечиши, 1880-1887

йиллардаги иқтисодий аҳвол билан таҳлил этилган ҳамда муҳим тарихий воқеалар акс эттирилган. Н.Н.Покотилонинг «Путешествия в центральную и восточную Бухару в 1886 году» асарида қадимий Термиз шаҳри қолдиқлари, Чингизхон истилоси оқибатлари ҳақида фикр берилган. Д.И.Логофет томонидан 1909 йил ёзилган «Страна Бесправия» асарида Сурхон воҳасининг сиёсий аҳамияти, аҳолиси, бекликларнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий аҳволи, Термиз-Шеробод почта-телеграф йўлининг очилиши, ҳарбий қисмларнинг жойлашуви каби масалаларни ёритиб ўтган. Д.Н.Логофетни «Взбитой стране путовех очерки по Средней Азии» асарида Бухоро амирлиги ҳудудидаги Сурхон воҳаси, унинг аҳолиси, иқлими, ҳарбий аҳвол ҳақида маълумотлар келтирилиб ўтган. Шунингдек, муаллифнинг «Бухарское ханство подъ русским протекторатом» асарида Туркистон генерал-губернаторининг Бухоро амирлиги билан муносабати, Шарқий Бухородаги чегара истеҳкомлари, русларни ерга эгалик қилиши, Сурхондарёдаги аҳвол, дарёлар тўғрисида сўз юритилган. Шарқшунос Д.Д.Логофетни «Бухарское ханство» асарида Сурхондарё, Сағаниён уни тропик иқлими, тарихий тавсифи хусусида маълумотлар қайд этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки Рус ҳарбий инженери А.Г.Ананьев томонидан «Орошение «Ширабадской долины» водами реки Сурхана» номли рисоласида Рус чоризмини мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган бўлиб, унда Термизда жойлашган рус кўшинларига Бухоро амирлигига қарашли Шеробод, Бойсун, Денов бекликларини босиб олиш, ўз навбатида Россия манфаатларига бу бекликлар қандай хизмат қилиши каби масалаларни тўғрисида манбалар берилган. Юқорида қайд этилган рисола ва тўпламларда Рус чоризмини Ўрта Осиёга кириб келиши, хусусан Сурхон воҳасини истило қилиши ҳақида қизиқарли ва қимматли фикрлар келтирилган. Сурхон воҳасининг қадимий даври тарихига оид бир қатор илмий тадқиқотлар яратилдики, уларда археологик қазилар ишлари натижасида топилган манбалар асос бўлди. Бу манбаларда Термиз шаҳарни илк вужудга келиши, уни сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда тутган ўрни, архитектура қурилиши, ҳарбий истеҳкомлар, ирригация ва суғориш тизими, маданияти ҳамда ижтимоий турмуш тарзи ҳақидаги манбалар акс этган. Ушбу асрларга Б.П.Деникенинг «Термез- «Новый Восток». 1928, №22, стр.208-223 мақоласи, М.Е.Массоннинг «Городище Старого Термезе и их изучения», «Труди УзФАН», сер.І, в.2, 1939, стр.5- 122 асари, шунингдек, унинг «Термезская археологическая комплексная экспедиция (ТАКЭ) 1936-37» «Социалистическая наука и технике», 1938, №7 мақоласи, унинг «Надпись на ситике из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким-и-Термези» Труды ТашГУ, вып.172, 1960 стр 44-30 мақоласи, Б.Н.Кастольскийнинг «Историко - географический обзор Сурханской- Ширабадской долин» «Вестник ирригации», Ташкент, 1930, №2, стр. 64-85, №3, стр. 3-19 и №4, стр. 3-21 мақолалари, К.К.Луниининг «Истории городе Термеза» -»Исторический журнал», М. 1944, кн. 4, стр. 100-183 мақоласи, Л.И.Албаумнинг «Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (по материалам 1958-1972 гг) Древняя Бактрия. Л, 1974. -С-53-58 мақоласи, унинг «Балалик-тепе К истории материальной культуре и искусства Тохаристана» Т., 1960.-С 227 асари, В.В.Бартольднинг «Термез» (соч. Т.ІІІ. М.,1965) асари, унинг « Туркеистан в эпоху Монгольского нашествия», (соч. Т.І. М., 1963) асари, Б.Веймарнинг «Орментация дворца XII в.в. в Древнем Термезе (Искусство» М., 1934. №6) мақоласи, М.Е.Массоннинг «К изучению

археологических памятников правобережного Тахаристана» (СОНАТ. 1937. №1) мақоласи, унинг “Городище старого Термеза и их изучение” (Труде Узб. Филиала АН СССР. Серия 1. ТАКЕ. Ташкент, 1940. С.5-122) мақоласи, Е.Г Некрасованинг “Кирк-киз близ Термеза” (археология и художественная культура Центральной Азии. Тезиси докладов. Т.1995.-С.47-49) мақолаларида Сурхон воҳаси тарих ва унинг моддий ва маънавий ҳаётига оид манбалар таҳлил қилинган. Бу даврда бевосита тадқиқот объекти бўлган Сурхон воҳаси тарихининг турли босқичларига бағишланган бир қатор ишлар ҳам олиб борилди. В.А.Козловскийнинг «Термиз шаҳри тарихи» рисоласи шаҳарнинг энг қадимги даврдан 1958 йилгача бўлган тарихини кўплаб манбаларга, архив ҳужжатларга таяниб ёритган. Рисолада Термиз аҳлини ижтимоий-иқтисодий аҳволи илмий йўналишда батафсил баён этилган бўлмасада, ўз навбатида мустабид тузум манфаатларига, унинг ғояларига содиқ ҳолда фикр юритилган. Шундан келиб чиқиб, Рус шарқшуносларининг тарихий манбалар асосида XIX аср - XX аср бошларида Сурхон воҳаси тарихини илмий жиҳатдан тадқиқ этилди, унинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш тарихини умумлаштиришилди, Бухоро тарихида ушбу даврнинг тутган ўрни хусусияти ва ўзига хос жиҳатини очиқ беришга муносиб ҳисса қўшилди.

XX аср бошларида Сурхон воҳасининг тарихий манбалар асосида ижтимоий-иқтисодий аҳволини, тараққиётининг суи ривожланганлигининг, иқтисодий зиддиятларининг ривожланиш ва танглик ҳолатларининг вужудга келиш жараёнларининг, воҳа аҳолисининг маданий-маиший турмуш даражасини, халқ оммасининг жабр зулимга ҳамда мустамлакачилик сиёсатиға қарши олиб борилган озодлик ҳаракатини ёритиш, фан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимидаги амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликларни ёритиш, воҳа маънавий ҳаётини ҳар томонлама таҳлил қилиш назарда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Татаринов А. “Семимесячный план в Бухари 1867». С.Петербург. 1967. Москва. 1915. Библиотека. Рус.Геогр.Овабиз
2. Покотило Н.Н. «Путешествие въ центральную и восточную Бухару въ 1886
3. году» С.Петербург. 1889 г. отд. Геогр, математической и географии физической 28 ноября 1889 г.
4. Логофет.Д.И. Страна Бесправия. С.Петербург. 1909. 221 стр.
5. Логофет.Д.Н. Бухарское Ханство. С.Петербург. 1911. 324 стр.
6. Логофет.Д.Н. В забытой стране путей не очерки по Средний Азии М., 1912. 136 стр.
7. Логофет.Д.Д. Бухарское ханство (Афганская граница). «Русская Скоропечатная». Соб.Екатериини, кан.1911 г. 200 стр.
8. Ананьева А.Г. Орошение «Ширабадской долины» водами реки Сурхана. Т.: Тип. при. Канц. Турк. Ген. Губ. 1911, стр.40; Ўша. Ширабадская долина: С-Петербург 1914. стр.86.
9. Денике Б.П. Термез- «Новый Восток». 1928, №22, стр.208-223;
10. Массон М.Е.Городище Старого Термезе и их изучения. «Труди УзФАН», сер.І, в.2, 1939, стр.5-122; его же. Термезская археологическая комплексная экспедиция

- (ТАКЭ) 1936-37 гг - «Социалистическая наука и технике», 1938, №7; его же. Надписи на ситике из архитектурного ансамбля у мавзолея Хаким-и-Термези. -и Труды ТашГУ, вып.172, 1960 стр 44-30;
11. Кастольский.Б.Н. историко - географический обзор Сурханской Ширабадской долин. «Вестник ирригации», Ташкент, 1930, №2, стр. 64-85, №3, стр. 3-19 и №4, стр. 3-21;
 12. Лукин.К. К истории города Термеза. -»Исторический журнал», М. 1944, кн. 4, стр. 100-183;
 13. Албаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе (по материалам 1958-1972 гг) Древняя Бактрия. Л.,1974 -С-53-58. Он же. Балалик-тепе. К истории материальной культуры и искусства Тохаристана Т., 1960-С.227. 13. 13.
 14. Бартольд В.В. Козловский В.А. История города Термеза, Т., объединенное из во «Кизил Узбекистана», «Правда Востока» и «Ўзбекистони сурх», 1959.